

## А Ж Р И М

(шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги сабабли айблилик масаласини ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил апрель ойининг 1 куни Хоразм вилояти жиноят ишлари бўйича Шовот тумани суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ў.З.Машарифов, судья ёрдамчиси О.Қ.Курамбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шовот тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Абдуллаев, фуқаровий даъвогар Ким Сунҳакнинг ҳимоячиси “ADVOKAT KUCHI” адвокатлик фирмаси адвокати Абдурахманов Арслонбек Бахтиёрович, судланувчи Ш.Б.Хаджимуратов ва унинг ҳимоячиси “ADVISE” адвокатлик фирмаси адвокати Ботиров Жаҳонали Курбанбаевич иштирокида судланувчи Хаджимуратов Шухрат Барякаевичга нисбатан бўлган 1-2204-2401/14-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Хаджимуратов Шухрат Барякаевич (Xadjimuratov Shuxrat Baryakayevich) 1964 йил 26 апрель куни Хоразм вилояти Урганч шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, “Шовот бўёни” ашрофирмаси раҳбари, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Шовот тумани судининг 2012 йил 16 август кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 202-моддаси 3-қисми билан 4.719.000 сўм жарима жазосига судланган, судланганлик ҳолати тугалланган, Урганч шаҳар, Авесто маҳалласи, Мевазор кўчаси, 1-йўлак, 8-уйда рўйхатда туриб, Урганч шаҳар, Хонқа кўчаси, 133<sup>А</sup>-уй, 40-котежда яшайди, тергов органи томонидан 2023 йил 6 ноябрь куни ЖПК 221-моддаси тартибида ушланган, 2023 йил 7 ноябрь куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, ушбу эҳтиёт чораси Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 12 ноябрь кунги ажримига кўра, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, айблов хулосаси нухасини 2024 йил 21 февраль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК) 168-моддасининг 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи Хаджимуратов Шухрат Барякаевичнинг жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги сабабли айблилик масаласини ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатиш тўғрисида аризасини кўриб чиқиб, жиноят ишида мавжуд далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов органи хужжатларига кўра, Хаджимуратов Шухрат Барякаевич 2010 йилда Шовот тумани худудида “Шовот бўёни” агрофирмасини ташкил қилиб, ушбу фирмага ўзи раҳбарлик қилиб келиб, аниқ санасини аниқлашни имкони бўлмаган 2016 февраль ойида Корея миллатига мансуб КИМ СУНҲАК билан ўзининг раҳбарлигидаги “Шовот бўёни” агрофирмасининг жамғармаси 129 815 282 сўм бўлиб, шундан 99,7 фоизи яъни 129 415 282 сўми ўзига тегишли эканлигини, ушбу агрофирмаси бўён томирини қайта ишлаб чиқаришини ва чет давлатга экспорт қилиб келаётганлигини, агарда ушбу агро фирмасига 800.000.000 сўм тўласа ушбу агрофирмасини 930.315.282 сўмгача ошириб, 86,4 фоизини ўз раҳбарлигидаги “КАКОР ФЗЕ” ҳисоб рақамига ўтказиб беришини ваъда бериб, ушбу пулни “Ultrasound Scanner Technology Servise” МЧЖ ҳисоб рақамидан 800.000.000 сўм маблағни “Шовот бўёни” агрофирмаси ҳисоб рақамига ўтказиб олиб, Корея миллатига мансуб КИМ СУНҲАКни 800.000.000 сўм, жуда кўп миқдордаги пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда яъни эски тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбланиб судга юборилган.

Суд мажлисида, судланувчи Хаджимуратов Шухрат Барякаевич ўзининг содир этган жиноятининг жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан ўзига нисбатан судда кўриб чиқиладиган жиноят ишини ЖПК 84-моддасининг 1-қисми 1-бандига асосан тугатиш ва Хоразм вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига етказилган зарарни қоплаш мақсадида тўланган пулни ўзига қайтариш ҳақида ариза билан мурожаат қилди.

Жиноят иши хужжатларига кўра, “Ultrasound Scanner Technology Servise” МЧЖ ҳисоб рақамидан 800.000.000 сўм маблағи “Шовот бўёни” агрофирмаси ҳисоб рақамига 2016 йил 3 март куни келиб тушганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарори 7-бандининг 1-қисмида “Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади. Қонунга кўра, шахс банкдаги пул маблағларини улар унинг банкдаги ҳисоб varaқасига келиб тушган (ўтказилган) пайтдан бошлаб реал тасарруф қилиш имкониятига эга бўлганлиги туфайли, жиноят бу маблағлар уларни маблағ эгаси ҳисоб varaқасидан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан олган шахснинг ёки бошқа шахснинг банкдаги ҳисоб varaқасига ўтказилган пайтдан тугалланган деб топиш лозим.”-деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Ўқоридагилардан кўринадикки, судланувчи Ш.Хаджимуратов томонидан содир этилган Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 15-моддасига кўра, оғир жиноятлар туркумига киради, шунингдек у томонидан содир қилинган ушбу жиноий қилмиш 2016 йил 3 март куни содир қилиниб, тугалланган ҳисобланади ҳамда унинг содир қилган ушбу жинояти учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати 2024 йил 3 март кунидан кейин ўтиб кетган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 64-моддаси 1-қисмининг “в” бандида агар жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар, яъни оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – саккиз йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган.

Шунингдек, ЖК 64-моддасининг 2-қисмида жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 1-бандида шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса шахснинг жиноят содир этишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозимлиги, ЖПКнинг 84-моддаси 2-қисмида, ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида назарда тутилган ҳолларда, агар судланувчи талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибларда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинламасдан чиқарилиши белгиланган.

Шунга асосан суд Ш.Хаджимуратовнинг ўзи содир этган жиноятнинг жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан унга нисбатан судда кўриб чиқиладиган жиноят ишини тугатиш ҳақида аризасини қаноатлантириб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ЖПК 84-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан тугатишни лозим топади.

**Бироқ, суд Ш.Хаджимуратовнинг зарарни қоплаш мақсадида депозитда топширган пулларни ўзига қайтариш ҳақидаги вазлари билан қуйидагиларга асосан келишиб бўлмайди деб ҳисоблайди.**

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасида, Ҳукмда, шунингдек жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажримда ёки қарорда ашёвий далиллар масаласи қуйидаги қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳал қилинади:

Яъни шу модданинг 4-бандида, жиноят ёки бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир қилиниши натижасида қонуний эгаси ва мулкдоридан маҳрум бўлиб қолган пуллар ёки бошқа бойликлар қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқ ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилиши лозим деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли қарори 2-бандининг в) кичик бандида, жиноий ҳаракатлар объекти бўлган нарсалар

яъни талон-торож қилинган пуллар ашёвий далил сифатида эътироф этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Қонун ва Олий суди Пленумининг талабларидан келиб чиқиб, судланувчи Ш.Хаджимуратовнинг дастлабки терговда жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш учун ихтиёрий равишда Хоразм вилоят Ички ишлар бошқармаси депозит ҳисоб рақамига топширган 522.500.000 сўм пул маблағи жиноят ёки бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир қилиниши натижасида қонуний эгаси ва мулкдоридан маҳрум бўлиб қолган пул маблағи деб ҳисоблаб, жиноят иши тугатилаётганлиги муносабати билан қонуний эгаси Ким Сунҳакга қайтариб беришни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарори 8-бандининг 2-қисмида, шахсга нисбатан жиноят иши ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 1-8-бандлари, бешинчи қисмининг 1,3-бандларига мувофиқ тугатилган ҳолда унга нисбатан фуқаровий даъво кўрмай қолдирилади ва суд манфаатдор шахсларга уларнинг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво кўзғатиш ҳуқуқини тушунтириши белгиланган.

Ушбу, Пленум қарори тушунтиришига кўра, жиноят иши тугатилган ҳолларда, суд жиноят натижасида етказилган зарар қопланмаган бўлса, фуқаровий даъво кўрмай қолдирилиши ва суд манфаатдор шахсларга уларнинг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво кўзғатиш ҳуқуқини тушунтириши кўрсатилган бўлиб, иш ҳужжатларига кўра Ш.Хаджимуратов жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун тергов давомида ихтиёрий равишда 522.500.000 сўм пул маблағини Хоразм вилоят Ички ишлар бошқармаси депозит ҳисоб рақамига топширган. Ушбу ҳолатда зарар қопланган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 1-банди ва 423-моддасига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И :**

Судланувчи Хаджимуратов Шухрат Барякаевич (Хаджимуратов Шухрат Барякаевич)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан бўлган бўлган 1-2204-2401/14-сонли жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 1-бандига асосан айб依лик ҳақидаги масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач;

Хаджимуратов Шухрат Барякаевичга нисбатан қўлланилган уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Хоразм вилоят Ички ишлар бошқармаси депозит ҳисоб рақамига топширилган 522.500.000 сўм пул маблағи фуқаровий даъвогар Ким Сунҳакга берилсин.

Манфаатдор тарафларга жиноят оқибатида етказилган мулкий зиён бўйича фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судига апелляция, шу муддат ўтгач кассация тартибида шикоят, прокурор протест бериши мумкин.

**Раислик қилувчи**

**Ў.З.Машарифов**